

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 8-mart, chorshanba

№ 10 (9226)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ – ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарама она-хонлар!

Мунис опа-сингиллар!
Дилбар қизларим!

Авалло, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Биз бу қутлуғ байрамни доимо орзиқиб, катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу шуқуҳли айём юртимизга яшариш ва янгиланиш фаслини – фасли навбахорни бошлаб келади. Бу байрам дилимиздаги сиз, азизларга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни, меҳру муҳаббатимизни яна бир бор ифода этишга имкон беради.

Бугун ҳар биримиз чексиз миннатдорлик ҳисси билан Яратгanning буюк мўъжизаси бўлган аёл зотига – меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз шаънига энг гўзал сўзларни айтишимиз табиийдир.

Биз сизларни энг аввало фидойилик тимсоли деб биламиз. Меҳридарё қалбингиз, ақл-заковатингиз, сеvgи ва садоқатингиз учун сизлардан бир умр қарздормиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс бунёдқори бўлган ёш

авлодни тарбиялашда сизларга, сизларнинг буюк мураббийлик фазилатларингизга таянамиз.

Қадрли опа-сингиллар!
Биз эркин ва фаровон, демократик, дунёга очик мамлакатни барпо этишда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз ҳам беқиёс ҳисса қўшаётганини албатта юксак қадрлаймиз.

Шу борада фақат айрим рақамларни келтириб ўтишга рухсат бергайсиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган ҳурматли аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан – 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан – 37 фоизга етди.

Билимли, ташаббускор ва фаол аёлларимиздан 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатла-

рининг 25 фоизи хотин-қизлар эканини таъкидлаш лозим.

Ватанимиз ва халқимиз олдидаги муносиб хизматлари учун аёлларимиздан 17 нафари энг олий мукофот – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган. Хотин-қизларимиз орасида 5 нафар академик, олий таълим муассасаларининг ўзида 700 нафардан зиёд фан доктори, қарийб 3 минг нафар фан номзоди, шунингдек, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Халқ артисти”, “Халқ ўқитувчиси” ва бошқа фахрий унвонларга сазовор бўлган қўлаб аёлларимиз бор.

Бундай жонкуяр опа-сингилларимизни Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилар! Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хабарингиз бор, биз халқимиз, айниқса,

опа-сингилларимизни кўпдан буён қийнаб келган уй-жой муаммосини ечиш мақсадида катта дастурларни амалга оширмоқдамиз. Агар 2017 йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 8 минг квартирали 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 56 минг квартирали 1433 та уй-жой барпо этилди. Жорий йилда эса яна 90 минг хонадон учун турар-жойлар қурилади.

Ўтган йили 14 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароити яхшиланди, қарийб 7 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловлари қўлаб берилди.

Мана шундай эзгу ишларимиз орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик киргани, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгаргани, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамлангани биз учун энг муҳим натижадир.

Сўнгги йилларда “Аёллар дафтари” доирасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда салкам 642 минг нафар опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишларимиз кўлаמידан далолат беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги туб ислохотларимизда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган опа-сингилларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар ордено ва медаллар билан мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Арзиева Мархабо Имамназаровна – “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг навли прокат цехи металл сараловчиси, Тошкент вилояти

Атабаева Оматхон Каримжановна – Андижон шаҳридаги “Сивёуш голд транс” масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Ахмедова Зулфия Рахмоновна – “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчилик-пресслаш цехи машинисти, Навоий вилояти

Ахмедшина Фания Авзаловна – Жиззах давлат педагогика университетининг умумий тарих кафедраси профессори, Жиззах вилояти

Бегматова Азза – Ўзбекистон давлат драма театри етакчи сахна устаси

Қобилова Мавлуда Умрзоқовна – Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг бўлим етакчи муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

Мазахидова Надира Ташпулатовна – Қўқон шаҳридаги “Қўқон ёр-ёри” ашула ва рақс фольклор-этнографик ансамбли мусиқа раҳбари, Фарғона вилояти

Маматқулова Айсара Бердиқуловна – Сардоба туманидаги “Нурафони дала сари” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Матякубова Меҳрибан Қадамовна – “Хунарманд” уюшмасининг Хива шаҳар бўлими аъзоси, каштачи, Хоразм вилояти

Нармурадова Махбуба Акрамовна – Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг фаррошлар бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ражабова Мархабо Мухаммадиевна – Қорақўл туманидаги “Хосиятли Қорақўл нури” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Расулова Муқаддам Мансуржоновна – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори

Сайдмуродова Максуда – Мингбулоқ тумани маҳалла ва нурунийларни қўлаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Хайтова Айжамал Назировна – Олтинсой туманидаги “Туяқуш тиллопарни” оилавий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Хожаметова Замира Жумабаевна – Қўнғирот туманидаги “Kungrad agro-solodko system” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

“Дўстлик” ордени билан

Айтбагамбетова Айбатша Бекбердиевна – Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” маданият маркази хореографи, Сирдарё вилояти

Алимова Арзихан Абдиллаевна – “Хунарманд” уюшмасининг Жиззах вилояти бошқармаси аъзоси, қуроқчи

Аталикова Евгения Владимировна – Қувасой шаҳридаги “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятининг хомаёни қайта ишлаш участкаси кран машинисти, Фарғона вилояти

Байрамова Наталья Шамуратовна – Тупроққалъа туманидаги “Матёқуб Қодир” чорвачилик фермер хўжалиғи технологи, Хоразм вилояти

Васильева Татьяна Александровна – “Ўзэроавиация маркази” давлат унитар корхонасининг Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш автоматлаштирилган тизими Тошкент маркази ҳудудий бўлимаси диспетчери

(Давоми 2-саҳифада)



ЎТГАН ЙИЛИ ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ?

Пахтачилик қўлгина мамлакатлар қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлакатиде ғўза ўстирилади.

Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг маълумотиға қараганда, 2022 йилда дунё пахтачилиғида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди, пахта тола ишлаб чиқариш олдинғи йилға нисбатан 1,2 млн. тоннаға камайди. Хитойда ўтган йили 6423 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди, бу олдинғи йилға нисбатан 250 минг тонна кўп. Хиндистонда эса 26 минг тоннаға камайиб, 6162 минг тонна тола

ишлаб чиқарилди. Айтиш мумкинки, 2022 йил жаҳон пахтачилиғида бирмунча серташвиш келди. Жумладан, АҚШда сув тақчилиғи туғайли тола ишлаб чиқарилиши олдинғи йилға нисбатан 12 фоизға камайди. АҚШнинг энг кўп тола етиштириладиған штатларидан бири Техасда, сув камчил бўлғани учун, пахта ишлаб чиқариш режаси 58 фоизға бажарилган.

(Давоми 3-саҳифада)

📍 НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

👉 Пресс-тур

ЖУРНАЛИСТЛАР САНОАТ ХУДУДИ – ҲОЗҒОН ШАҲРИДА

Бугунги кунда Ҳозғон шаҳри вилоятимизнинг кўзга кўринган саноат ҳудудиға айланиб бормоқда. Ҳозғон мрамари қадимдан дунёға маълум ва машҳурдир.

Қадим Самарқанд ва Бухородағи масжиду ҳашамамли биноларни қуришда, кўплаб хоржиғи давлатлардағи нуфузли иншоотларни, метролар, таълим даргоҳлари, санъат қошоналарини бунёд этишда ва безатишда ушбу замин мрамаридан кўп йиллардан буён фойдаланиб келинади. Бу ерда

бугунги кунда мрамар ва гранитға асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш бора-бора қатор чора-тадбирлар амалға ошириб келинмоқда. Навоийлик бир гуруҳ журналистлар иштирокида ушбу ҳудудға пресс-тур ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўлаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, изланувчанлиғи, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан юртимиз ёшларига ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздағи ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидағи Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳулки, ноёб истеъдоди, зуконлиғи, ташаббускорлиғи, ўқишдағи муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидағи Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидағи тақлифлари иловадағи рўйхатға мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидағи Давлат мукофоти билан тақдирланганларға 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиған байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиғи Зулфия номидағи Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бириға базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдориде пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридағи Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғи, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиғи, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалариға Зулфия номидағи Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Умуразков зиммасиға юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 6 мартдағи ПҚ-85-сон қарориға илова

Зулфия номидағи Давлат мукофоти билан тақдирланганлар Р Ў Й Х А Т И

Ниетбаева Хурлиман Аманбай қизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Самандарова Барно Тозабой қизи – Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидағи 35-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси
Абдукаримовна Феруза Улугбек қизи – Юнус Ражабий номидағи Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Мухтархўжаева Дурдона Муталибжон қизи – Д.И.Менделеев номидағи Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридағи филиали 2-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Аминова Нигинабону Бахридиновна – Тошкент молия институтининг 2-босқич магистранти (Бухоро вилояти)
Ғайратова Гулзода Санъат қизи –

Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси

Анварбекова Чарос Анварбек қизи – Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич магистранти (Жиззах вилояти)
Шокирова Самира Салоҳиддин қизи – Жиззах вилояти Жиззах шаҳридағи 19-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

(Давоми 2-саҳифада)

ВАТАНПАРВАР АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН МУАЛЛИМА

📍 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Касбға меҳр қўйган киши, албатта, меҳнатининг роҳатини кўради. Тажрибали муаллима Салима Кадирибметова ўз фаолиятида бунинг исботини кўрмоқда.

Муаллима 1992 йили Бердақ номидағи Қорақалпоқ давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, педагогик фаолиятини Нукус тумани халқ таълими бўлимиға қарашли 12-умумтаълим мактабиде бошлади. Бугунги кунда эса 22-умумтаълим мактабиде ўқувчиларға қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келмоқда.

С. Кадирибметованинғ дарс ўтиш услуби туман ва ҳатто республика миқёсида оммалаштирилган. Шоғирдлари туман, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Республикаси миқёсидағи фан олимпиадалари ва “Билимлар беллашуви”ларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат.

“Оналар – бутун башариятнинг тарбиячиларидир”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Джуракулова Саодат Эшқобиловна – Бой-сун тумани ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Исмаилова Гавхар Абдуманановна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акция-дорлик жамиятининг Мис эритиш заводи мисни электролизлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Каипова Гулистан Сарсенбаевна – Респуб-лика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази-нинг Қорақалпоғистон филиали жонлантириш бў-лими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Каюмова Махфуза Абдинабиевна – Пах-тачи туманидаги “Пахтачи агро ҳамкор томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти раҳба-ри, Самарқанд вилояти

Лян Екатерина – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генети-каси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири

Насридинова Шохида Тауфиковна – Мирзо Улугбек туманидаги “Milk Foods Trade” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Нестерович Людвиг Петровна – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъ-зоси, ҳайкалтарош

Рискулова Айногул Жунусовна – Марҳамат туманидаги “Марҳамат 112-қурилиш” масъулияти чекланган жамияти пардозчиси, Андижон ви-лояти

Салимова Манзура Алимовна – Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси

Сариева Нурбиби Баймахановна – Конимех туманидаги “Қорақўл Учтепа сур” масъулияти чекланган жамияти чўпони, Навоий вилояти

Халбаева Дилрабо Джурабековна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-нунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси

Чўлueva Зийнат Бобоевна – “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Бухоро филиали ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар узатиш тармоқларини бошқариш бўлими муҳандиси, Бухоро вилояти

Эргашева Танзила Низамовна – Наманган шаҳридаги “Art Soft Tex” масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Наманган вилояти

Юлдашева Мавлуда Меликовна – Шаҳрисабз шаҳридаги “Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

II даражали
“Соғлом авлод учун”
ордени билан

Дадабоева Манзураҳон – Андижон тумани-даги 10-ихтисослаштирилган умумий ўрта таъ-лим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Зоирова Азиза Ибрагимовна – Қарши давлат университетининг француз тили ва ада-биёти кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

Зоҳидова Мамураҳон Насиллоевна – Ўзбе-кистон Ёзувчилар уюшмасининг ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи, ёзувчи

Мирзаева Мехринисо Латиповна – Ғиж-дувон туманидаги “Маржона Эъзоза” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшмаматова Дилором Бахрамовна – Сер-гели туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

II даражали “Саломатлик”
ордени билан

Гадоева Дилфуза Мустафоевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий мар-казининг Бухоро филиали оғир куйиш жароҳат-лари бўлими катта ҳамшираси, Бухоро вилояти

Холмуродова Замира Бахромовна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали неврология бў-лими мудири, Жиззах вилояти

Шавазова Мўхаббат Исматовна – Респу-блика перинатал марказининг чақалоқлар анестезиология ва реанимация бўлими ане-стезиолог-реаниматологи

Юлдашева Райхон Сайфидиновна – Респу-блика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали кўз жарроҳи, Самарқанд вилояти

**“Соғлом турмуш”
медали билан**

Мадалиева Феруза Махамадовна – “Тараққиёт” аҳолининг турмуш тарзини риво-жлантиришга кўмаклашиш маркази раҳбари, Фарғона вилояти

Мирзаева Елена Садуллаевна – Ўзбе-кистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Foreign Languages” телеканали хорижий тил-лардаги илмий-маърифий ва бадийи дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Эркаева Шоира Бахрамовна – Қамаши ту-манидаги “Мироншоҳ ва Иброҳимжон” масъ-улияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**“Содиқ хизматлари учун”
медали билан**

Алеуова Гулистан Усербаевна – Қорақал-поғистон Республикаси прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

Ахатова Замира Рустамовна – Каттакўрғон шаҳар ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар маса-лалари бўйича катта инспектори, Самарқанд вилояти

Расулова Лола Анваровна – Қорақалпоғис-тон Республикаси божхона бошқармасининг “Хў-жайли” чегара божхона пости катта инспектори

Рахматова Гулзода Шоврукжоновна – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**“Келажак бунёдкори”
медали билан**

Айтмуратова Сарбиназ Елмурат қизи – Нукус шаҳридаги Ёшлар технопаркиннинг инно-вацион лойиҳаларни жалб қилиш ва саралашни ташкил этиш бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Давронова Шарифа Жамшеровна – ЕнгиЛ атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жа-моаси аъзоси

Маннопова Фотима Саид қизи – Тошкент шаҳридаги “Techno time academy” робототехника мактаби директори

“Шуҳрат” медали билан

Абдиева Муътабар Арспоновна – Сир-дарё туманидаги “Reka-Med Farm” масъулияти чекланган жамиятининг инфузион эритмалар ишлаб чиқариш цехи йиғувчи-қадоқловчиси, Сирдарё вилояти

Абдуқадиrowa Саида Исламовна – “Ис-сиклик электр станциялари” акциядорлик жа-миятининг “Тошкент иссиқлик электр станцияси” филиали марказлаштирилган таъмирлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

Азимова Гулмира Джахановна – Самарқанд вилояти транспорт бошқармасининг трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси трамвай ҳайдовчиси

Артикова Дилноза Илҳомбаевна – Ўзбекис-тон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси раҳқосаси

Воҳидова Нилуфар Умаровна – “Хунар-манд” уюшмасининг Чуст тумани бўлими аъзоси, дўппидуз, Наманган вилояти

Даулетмуратова Зулхумар Махсетовна – Хўжайли туманидаги 2-оилавий болалар уйи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиятова Махмуда Маматқуловна – Шароф Рашидов туманидаги “Махмуда Зарина Зари-фа” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Исмадиrowa Диларам Тулкуновна – Ўз-бекистон Журналистлар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси

Касимова Шахзодаҳон Рамизидиновна – Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Фан ва инновациялар бошқармаси бош мутахассиси

Касимова Шоира Сатволдиевна – Андижон вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинойиси

Қаҳорова Ирода Иминжоновна – Уйчи ту-манидаги “Зиёкор” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 март

Қиличева Ойша Тенглашевна – Нурота ту-манидаги “Мурувват” ногиронлар учун эркаклар интернат уйи ҳўжалик бекаси, Навоий вилояти

Мехмонова Рўзиҳон Абдувалиевна – Балиқчи тумани йўл ҳўжалиғи пудрат таъмир-лаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси, Андижон вилояти

Мустафаева Шахноза Байзаковна – Янгийўл шаҳридаги “Дугоналар” ногирон аёллар жамияти раиси, Тошкент вилояти

Муҳутова Лола Мўхаммадовна – Олот туманидаги “Олот каштадўзлари” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Нуржанова Сабохат Шомуратовна – “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси экскурсоводи, Хоразм вилояти

Самиева Гузал Мухитдиновна – Сариосиё тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Сулаймонова Гулчехра Тохир қизи – “Тош-кент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятининг кўприкли кран машинисти

Усмонова Гулнора Хошимжоновна – Бағдод туманидаги “Гулнора Маққулбод бодомлари” ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари, Фарғона вилояти

Файзуллаева Насиба Нуруллаевна – “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг поли-пропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори, Навоий вилояти

Халияrowa Хабиба Алексеевна – Ғузор туманидаги “Моҳигул Моҳларойим жило-си” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ходжиболаева Раъно Одиловна – Фарғона шаҳридаги “Сурхтепа” маҳалла фуқаролар йиғи-нидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Шерова Зулфия Махмудовна – Шўрчи ту-манидаги “Шўрчи Азиз агрофирма” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё ви-лояти

Ш.МИРЗИЁЕВ

МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ
ЯРАТИБ БЕРИШ – ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига
бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Боши 1-саҳифада)

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, миллий генофондни яхшилаш мақсадида ўтган йили 9 миллион нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 3 миллион-дан зиёди амбулатор, 347 минг нафари эса стационар шароитда даволанди.

Юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эъ-тибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобимиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, **“Оналар – бутун башариятнинг тарбиячиларидир”**.

Дарҳақиқат, оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Биз шу мақсадда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурини қабул қилдик.

Қиёслаш учун бир мисол келтирмақ-чиман.

Агар бундан 6 йил аввал олийоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу тарика бугунги кунда олий таълим олаётган талабалар ора-сида қизларимизнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижадир.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 миллиард сўмга яқин фойсиз таълим кредити ажратилди.

Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қа-рийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, му-тахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз олийоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

Дунёда чуқур иқтисодий инкироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик қийин бўлмасин, зарур маблағ ва имкониятларни топиб амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатларимиз албатта ўз натижасини беради. Олийоҳларда тахсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машҳур маданият ва санъат, спорт намояндалари

етишиб чиқади, деб ишонаман.

Азиз опа-сингиллар!

Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг овози халқаро минбарлардан ҳам дадил янграётгани барчамизни қувон-тиради. Улар минтақавий ва халқаро тузил-малар, нуфузли форум ва анжуманларда фаол иштирок этаётганидан хабарингиз бор.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакати-миз ташаббуси билан 2020 йилда Марка-зий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига асос солинганини таъкидлаш лозим. Ўтган йили эса Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси хотин-қизлар муаммоларини минтақа ва халқаро микёсда муҳокама қилиш, улар-ни ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш имконини бermoқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тан-танамизда иштирок этаётган, ана шундай саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий давлатларнинг ҳур-матли элчилари ва халқаро ташкилотлар барчаларини ҳам самимий кутлайман. Вақтимиз чин дилдан уларнинг мамлакат-лари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ватандoшлар!

Шу ўринда кўнглимдаги бир эзгу фикрни сиз, азизларга айтишни жоиз деб биламан.

Биз Ўзбекистонда қандай қонун ва қа-рорларни қабул қилмайлик, қандай ислоҳот-ларни ҳаётга жорий этмайлик, давлат раҳ-бари сифатида менинг кўз ўнгимда аввало мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингил-ларимиз сиймоси, уларнинг дарду ташвиш-лари туради.

Сиз, азизларимнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахт-ли турмуш кечирishingиз, жамият ҳаёти-да фаол иштирок этиishingиз учун хизмат қилишни мен ўзим учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб била-ман. **Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаёт-дан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратган-нимиз ҳам биздан рози бўлади.**

Хабарингиз бор, республика хотин-қиз-лар ташкилоти ҳозирги вақтда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси сифатида янгича

мазмунда фаолият кўрсатмоқда. Кўми-танинг ваколат ва фаолият доираси кен-гайтирилиб, унинг таркибига билимдон ва юқори малакали янги кадрлар жалб этилди. Жумладан, тарихимизда биринчи марта энг қуйи бўғинда – 9 минг 400 дан зиёд маҳаллада аёллар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашадиган хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди.

Буларнинг барчаси Оила ва хотин-қизлар кўмитасини Ўзбекистон аёлларининг чинакам таянчи ва суянчига айлантиришга хизмат қилади.

Муҳтарам ватандoшлар!

Маълумки, турли соҳаларда дастлабки муҳим натижаларга эришиб, ёшларимизга намуна бўлаётган истеъдодли қизларимиз-ни шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдир-лаш яхши анъанамизга айланган. Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилган яна 28 нафар оқила ва истеъдодли қизларимизга ана шу мукофот-ларни топшираимиз.

Сиз, азиз қизларимни ҳаётингиздаги илк зафар билан чин дилдан табриклаб, барчангизга янги-янги ютуқлар тилайман.

Бугунги хурсандчилик кунда ўз соҳасида ибратли натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш ав-лодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳурматли аёлларимиздан катта бир ғуруҳи давлат-тимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг бар-часини самимий табриклайман.

Азиз ва қадрли ватандoшлар!

Бугунги ўта оғир ва мураккаб замон-да биз ўз олдимизга улкан вазифаларни қўймоқдамиз. Уларни бажариш албатта осон бўлмайди. Лекин, бу шарафли йўлда бизга кечкис куч ва мадад берадиган мард ва олижаноб халқимиз, муҳтарам онала-римиз, азиз опа-сингилларимиз бор экан, кўзлаган улуг мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд етамиз!

Сизларга, бутун мамлакатимиз аёлла-рига сихат-саломатлик, оилавий бахт, хо-надонларингизга файзу барака тилайман. Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин!

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан
тақдирланганлар
Р Ў Й Х А Т И

(Боши 1-саҳифада)

Суюнова Мадина Муҳиддин қизи – Қашқа-дарё вилояти Китоб туманидаги 1-ихтисос-лаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Тўраева Маъмура Урал қизи – Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таъ-лим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Жалолова Лобархон Суннатullo қизи – Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Рахматова Дилдора Исмат қизи – Навоий вилояти Кармана туманидаги спорт мактабининг бадийи гимнастика бўйича мураббийси

Абдулазизова Нигора Мўхаммаджон қизи – Наманган давлат университетининг 4-босқич талабаси

Мамажоновна Муҳлисахон Музаффар қизи – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Худойёрова Фарангиз – Самарқанд вило-яти Самарқанд шаҳридаги “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

Эргашова Баҳора Сайфилло қизи – Ўзбе-кистон давлат жаҳон тиллари университетининг итальян тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири (Самарқанд вилояти)

Абдулимовна Зарнигорхон Алишер қизи – Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси

Обидова Ҳилола Илҳомжон қизи – Сир-дарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Бетон

саноат” масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари

Илматова Рината Ринатовна – Термиз давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти

Мирзаева Садоқат Ҳусниддин қизи – Сур-хондарё вилояти Шеробод туманидаги 50-уму-мий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Исомадинова Гўзал Захриддин қизи – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Йўлдошева Наргиза Дастон қизи – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассом-лик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жамолиддинова Нодирабегим Бахти-ёржон қизи – Фарғона жамоат саломатлиғи тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси

Эргашева Нилуфархон Акрамжон қизи – Фарғона вилояти Маргилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси

Оллаёрова Севинчой Фарход қизи – Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси

Юсупова Индира Рустамовна – Урганч давлат университетининг 4-босқич талабаси

Абдуллаева Ширин Баҳоқировна – Тош-кент шаҳри Яшнобод туманидаги 152-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тулибоева Садоқат Акмурат қизи – Тош-кент шаҳридаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг 10-синф ўқу-вчиси

ВАТАНПАРВАР АВЛОДНИ
ТАРБИЯЛАЁТГАН МУАЛЛИМА

(Боши 1-саҳифада)

Чуқур назарий билимга, юксак методик маҳоратга эга устоз Ўзбекистон ва Қо-рақалпоғистон Халқ таълими аълочиси унвонлари ҳамда 2019 йил ўтказилган “Йил-нинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолиблигига сазовор бўлган. 2022 йил 1 октябрь - ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз фармони билан Салима Кадириμβетова таълим-тар-бия тизимида алоҳида ўрнал

кўрсатган ходимлар қаторида “Дўстлик” ордени билан муко-фотланди.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кун ўқитувчиси универсал мута-хассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшashi керак, – дейди С. Кадириμβетова. – Дарҳақиқат, қалбида ўз касби-га, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади. Мамлақати-

мизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, таълим муассасалари моддий-техник базасини му-стаҳкамлаш, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ҳамда малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

30 йилдан зиёд вақтдан буён ёш авлодга таълим-тар-бия бериб келаётган устоз оилада меҳрибон уй бекаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандни вояга етказган.

Ўқуқбузарларга нисбатан маъмурий жарима жазолари қўлланилди

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ:



ҚУРИЛИШ СИФАТИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилашга эътибор кучайтирилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб замонавий уй-жойлар уларга монанд инфратузилма объеклари барпо этилмоқдаки, албатта, бундан аҳоли мамнун. Узоқни кўзлаб бунёд этилаётган бино ва иншоотларнинг сифатлилиги, бунда қурилиш меъёрларига қатъий амал қилингани ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Худудда қурилаётган барча объектлар бўйича қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат ишларини олиб бораётган Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси томонидан ўтган йил якуни бўйича жами 2081 та қурилиш объектларидаги қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат олиб борилмоқда. Шундан 2022 йил давомида 1200 та қурилиш объекти ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилган ҳамда йил давомида қурилиши якунланган 691 та объект бўйича фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилган. Шундан, бугунги кун ҳолатига ҳудудий назорат инспекциясида жами 111 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши рўйхатда турибди. Ўтган йил давомида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 100 та, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 6 та кўп қаватли турар-жой бинолари объектлари рўйхатга олинди ҳамда бугунги кунга қадар жами 50 та кўп қаватли турар-жой бинолари учун фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилди. Жами 111 та кўп қаватли турар-жой бинолари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 36 таси “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилаётган турар-жой бинолари

бўлса, 69 таси тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қурилаётган кўп қаватли турар-жой биноларидир. Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан назоратга олинган кўп қаватли турар-жой биноларида ўтган йил давомида ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан жами 347 та ёзма кўрсатма берилди. Ёзма кўрсатмалар ижросини таъминламаган ёки белгиланган муддатларда бажармаган қурилиш иштирокчиларига (бўйртмачи, пудратчи ва лойиҳачиларга) нисбатан 2022 йил давомида 46 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўзатилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жарима жазолари қўлланилди. Ўтган йили аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича берилган камида иккита ёзма кўрсатмани бажармаганлиги сабабли ҳудудий назорат инспекцияси томонидан судларга даъво аризалари киритилди ва барча даъволар қаноатлангандир. Жумладан, “SAMARKAND IDEAL BRICK” масъулияти чекланган жамияти томонидан Самарқанд шаҳри Ибн Холдун кўчаси 3 ва 5-манзилда қурилаётган “5 қават-



ли турар-жой биноси” объектида тасдиқланган лойиҳадан четлашиб бажарилган бир қаватни (олтинчи қаватни) бузиш (демонтаж) ишларини амалга ошириш, “SAM MAXSUS EKSPERT” масъулияти чекланган жамияти томонидан Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси 207-манзилда қурилаётган “7 қаватли турар-жой биноси” объектида тасдиқланган лойиҳадан четлашиб бажарилган бир қаватни (саккизинчи қаватни) бузиш (демонтаж) ишларини амалга ошириш, “ALIJON QURILISH MONTAJ” МЧЖ томонидан Жомбой тумани “Тошкент” МФЙ ҳудудида қурилаётган “туман Давлат хизматлари маркази ва турар-жой биноси” объектида тасдиқланган лойиҳадан четлашиб, бинонинг

зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилганлиги, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмай келинаётганлиги, бундан ташқари, ажратилган ер майдони чегараларидан четга чиққан ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганлиги сабабли ушбу объектка ҳам бузиш (демонтаж) ишларини амалга ошириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилиб, барчаси қаноатлангандир.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қури-

лиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат қурилиш назорати амалга оширилиши лозим бўлган объектлар ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилиши шарт деб белгиланган, – дейди Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Зокир Жуманов. – Шунга қўра, ўтган йил давомида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган қурилиш объектларини аниқлаш давомида юридик ва жисмоний шахслар томонидан 102 та ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги, шундан 9 та ҳолатда кўп қаватли турар-жой биноси объектини ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказмаган ҳолда қуриш ҳолатлари аниқланган бўлиб, уларга нисбатан маъмурий ишлар кўзатилди. Қонунга хилоф равишда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган кўп қаватли турар-жой биноси объектининг 3 таси бўйича айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг, қурилишга рухсат берувчи ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилган ҳолда ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилди.

Ориф ЖУМАНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ЎТГАН ЙИЛИ ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Туркия ва Австралияда ҳам тола ишлаб чиқариш 30-35 фоизга камайган бўлса, Африка мамлакатларида қўшимча пахта толаси етиштирилган. Бразилия сўнги йилларда пахтачиликда дадил қадм ташлади. Ўтган йили олдинги йилга нисбатан пахта толасини ишлаб чиқариш 1412 минг тоннадан 2341 минг тоннагача ошган. Бир йилда 962 минг тонна қўшимча пахта толаси етиштирилган. Бундай ўсиш дунё пахтачилиги тарихида кузатилмаган. Шу билан Бразилия дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўриндан тўртинчи ўринга ўтди. Покистон бешинчи ўринга ўтишга мажбур бўлди. Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг маълумотиغا қараганда, 2022 йилда жаҳон айниқса, Покистон пахтачилигида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди, пахта толаси



ишлаб чиқариш дунёда 26,2 миллион тоннадан 25 миллион тоннагача камайди. Покистон мамлакатидан эса, ҳаво ҳароратининг пасайиши ва сурункали ёмғирлар чигит экишни кечиктирди. Кейинчалик тупроқда намлик микдори ортиб, ғўза ривожига салбий таъсир этгани, ёз ойларида ҳароратнинг одатдагидан ошиб кетиши деҳқонларга катта қийинчиликлар олиб келди. Панжоб ва Синд деҳқонлари мутлақо ҳосил ололмадилар. Покистон мамлакати бўйича пахта тола ишлаб чиқариш бир йилда 980 тоннага камайди.

Ўтган йил ўзига хос табиати билан пахтакорларимизни синовдан ўтказди. Мамлакатимизда ўтган йилнинг об-ҳавоси пахтакорлар учун мураккаб келишига қарамай, деҳқонларимиз фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга таянган ҳолда мўл ҳосил етиштирдилар. Минтақаларда эртапишар, серҳосил, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навлари вилоятларнинг тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиққан ҳолда экилгани эришилган ютуқларнинг муҳим омили бўлди. Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан яна бири бу нав наводорлиги (96 фоиздан кам бўлмаслиги) ва унвчанлиги ундан ҳам юқори бўлишига жиддий эътибор қаратилганидир. Олимлар, мутахассислар ва фермер ҳўжаликлари нав танлашда нафақат толаннинг сифатига, балки унинг тезпишарлиги ва ҳосилдорлигига, усимликни устиришнинг муайян шароитларга мослаша олишига ҳам эътиборни қаратганлар. Ўтган йили мамлакатимиз ҳудудларида ғўзанинг 19 та тезпишар, 6 та ўртапишар ва ингичка тонали, 9 та истикболли навлари экилди, тезпишар ғўза майдонлари 796 минг гектаргача кўпайтирилди. Интенсив технологиялар ва илғор тажрибалардан самарали фойдаланиб, пахтакорларимиз 3510 минг тоннадан зиёд пахта хирмонини бунёд этишди. Ҳосил мўл ва сифатли бўлиб, асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиқ ходими,
Жўрахон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ходими.

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент шаҳар Сергели тумани ФВБ ходимлари томонидан туман ҳудудида жойлашган маҳаллаларда ённинг хавфсизлиги ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари давом этмоқда.

Жами 46 та маҳалладан 12 таси, яъни, 630 та аҳоли яшаш хонадонлари профилактик тарзда ўрганилиб, 1240 нафар фуқаро ённинг хавфсизлиги бўйича йўриқномалар тушунтирилди, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилишига эришилмоқда. Бартараф этилишига вақт талаб қилинадиган камчиликлар юзасидан туман газ таъминоти, туман электр тармоқлари корхонаси ҳамда маҳаллаларга тақдимномалар, шунингдек, туман ҳокимлигига амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотномалар киритилмоқда.

Ибодулла ЖУМАЕВ,
Сергели тумани ФВБ ПеанБ инспектори, капта лейтенант.

ЖУРНАЛИСТЛАР САНОАТ ҲУДУДИ – ҲОЗҲОН ШАҲРИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозғон шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида “Ҳозғон шаҳрида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, саноат корхоналари фаолияти, ҳудуддаги таълим муассасаларида ёшларнинг билим олишлари учун яратилган шароитлар” мавзусида ташкил этилган пресс-тур аввалида журналистлар Ҳозғондаги саноат корхоналари фаолияти билан танишдилар. Жумладан, “Мармаробод” маҳалласида 5 гектар ер майдонида ишга туширилган “Gazgan stone invest” МЧЖ қўшма корхонасида мармар плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхонада ҳозирги вақтда 35 киши иш билан таъминланган бўлиб, бу ерга Италиядан замонавий ускуна ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилган. Лойиҳа қиймати 77,3 млрд. сўм бўлган корхонада йилгига 200 минг метр квадрат мармар плиталар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.



Журналистлар “Мармаробод” маҳалласидаги “PREMIER TEXTILE” ХК томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳам бориб қўришди. 2021 йилда тадбиркор Даврон Пирмухаммадов раҳбарлигида ишга туширилган бу корхонада тайёр тикув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. – Корхонамизда Ҳозғоннинг чевар хотин-қизлари меҳнат қилмоқда, – дейди тажрибали тикувчи Коммуна Шарофатова биз билан суҳбатда. – Улар учун кенг ва шинам хоналарда барча шароитлар яратилган. За-



монавий тикув машиналаримиз Хитойдан келтирилган. Ҳозир жажжи болажонлар учун мўлжалланган кийимлар тикаяпмиз. Энг асосийси, бу ерда хотин-қизлар учун 100 та янги иш ўрни яратилди.

Журналистларнинг навбатдаги манзили “Мармаробод” маҳалласидаги “Gazgan grand granite” МЧЖ ва “Edifice – aspire” МЧЖ қўшма корхонаси бўлди. Улар мазкур корхоналарда сифатли мармар ва гранит плиталари ишлаб чиқарилётганининг гувоҳи бўлишди. Бу ерда мармар тошга ишлов бериш, қирқиш, уларни харидорбоп ва ўзига хос кўринишда тайёрлаш босқичларини кузатган журналистлар ғозонликларнинг чиндан ҳам яратувчи, қўли гул ва меҳнаткаш инсонлар эканлигини эътироф этишди.

Пресс-тур қатнашчилари ушбу шаҳарчадаги 3-умумтаълим мактабига ва “Ақлвой” нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотига ҳам боришиб, мазкур муассасалардаги таълим-тарбия жараёнларини кузатишди. 3-умумтаълим мактабида айни вақтда 252 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. 31 нафар ўқитувчи уларга турли фанлар бўйича билим бериб келишапти.

– Мактабимизда билимли, қобилиятли, ижодкор ўқувчилар жуда кўп, уларнинг ҳар бири ўзгача олам, – дейди мактабнинг фаол ўқитувчиларидан бири Галина Рўзиева. – Дарсларни замонавий таълим технологиялари асосида олиб борамиз. Мактабда яхши ўқитувчи сифатида ўқувчилар меҳрини қозониш учун ҳар бир педагог тинимсиз ўз устида ишлаши лозим. Хоҳ шаҳар мактабида бўлсин, хоҳ қишлоқ мактабида, ишга шунчаки келиб кетган ўқитувчи эмас, болаларга чиндан меҳрини берган, касбини

севган ва замон билан ҳамнафас бўлган ўқитувчигина ўз касби ортидан ҳурмат қозона олади. Мен шундай бахтга эришган муаллима эканлигимдан бахтиёрман.

Журналистлар пресс-тур давомида Ҳозғондаги чорвадорлар ҳаёти билан ҳам яқиндан танишдилар. Улар олис чўл бағрида тадбиркор Аббос Аминовга тегишли отарда кўп йиллик тажрибали чўпон Фарҳод Каримов билан дилдан суҳбат қуришди. Фарҳод ака бу ерда ўз оила аъзолари билан 700 бош қўй ва эчкиларни, от, туяларни парваришлаётганини, ўз касбининг завқи ва машаққатларини сўзлаб берди. Дилкаш ва самимий бу инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлган журналистлар чўл ҳаёти билан янада яқинроқ танишдилар.

Пресс-тур давомида энг эсда қоқарли жараёнлардан бири журналистларнинг нуруний отахон ҳузурига боришгани бўлди. Қарийб бир аср билан тенгдош бўлган Турсун бобо Эргашев бу йил муборак 101 ёшни қарши олибди. Шу кунги кекса бўлишига қарамай, хонадонига борган журналистларни очик чеҳра билан, мамнун ҳолда қарши олган Турсун бобонинг ҳар бир сўзи, ўгити ёшларга ибрат бўлди. Отахон ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, эринмасдан узоқ умр қуриш сирларини ҳам айтиб берди ва юртга омонлик тилаб, қўлларини дуога очди.

Лўнда қилиб айтганда, Ҳозғон шаҳрида ўтказилган пресс-тур ҳар бир журналистда яхши таассурот қолдирди. Зеро, Ҳозғоннинг меҳнаткаш, камтар, софдил инсонлари ҳар бир журналист-ижодкорнинг ёзिलाжак мақолалари, битилажак бадиий асарлари учун ажойиб ҳақрамон бўлишса, ажаб эмас.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

“Раҳматли Эркин оға жуда кўнгли очик, одамшинаванда, ҳазил мутойибани хуш кўрувчи дилкаш инсон эдилар”

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ



Мақтабимизни бу олим номи билан аташ Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилди. Жамоамиз етакчиси Лола Усмонова 24 февралдаги учрашувда ўзларини Юртбошимизга танитганида, у киши У.Уватов номини эшитганида хурсандчилик билан, ахир бу номни мақтабга мен кўйганманку, дея таъкидлаган эканлар. Юртимиз шарофини бутун дунёга танитишда муносиб хисса кўшган буюк олим айнан бизнинг мақтабни таомлаган ва умрининг охиригача ўқувчи ва ўқитувчиларимиз билан алоқада бўлиб, ёшларниқ келажаги йўлида қайғуриб кетдилар.

Бугунги кунда таълим даргоҳида билим олаётган

Мақта мактабнинг ноҳир раҳбари

Туманимиз марказидаги 1-сонли умумий таълим мактаби эндиликда
Убайдулла Уватов номи билан атала бошланди.

2123 нафар ўқувчи ўз ватандошлари номига муносиб бўлишга интилиб келмоқдалар. Таълим соҳасидаги ислохотларни амалга ошириб ўқувчиларга чуқур билим бериши, уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан юқори даражага кўтариш йўлида фидоийлик кўрсатиб келаётган 146 нафар ўқитувчиларга моҳир раҳбар Лола Усмонова бошчилик қилиб келмоқда. Бу жамоага ўттиз йилдан кўпроқ раҳбарлик қилган устози Тамара Расуловадан ўқув-тарбиянинг кўплаб сирларини ўрганган қаҳрамонимиз тез орада фақат мактабда эмас, балки ота-оналар ва туман жамоатчилиги орасида яхши танилди. Президентимиз томонидан эълон қилинган беш ташаббусни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар ўз самарасини кўрсатиб, ўқувчилар билим сифати кўтарилди. Бунинг учун эса мактабда кўплаб ташкилий ишлар амалга оширилди: эскириб, зах бўлган мактабнинг битта 120 ўринли биноси ўрнига 360 ўринли янги бино қурилиб, ишга туширилди. Синф хоналари ва фан кабинетларидаги барча парта, стол, стуллар янгиланди, замонавий доскалар билан таъминланди.

— Юртбошимизга мактабимда ҳозир олтимашта телевизор ўрнатилган, деган гапни айтганимда у киши жуда хурсанд бўлиб кетдилар, — дея хаяжон билан жамоада сўзлаб берди Л.Усмонова. — Кўрдингларми, бир вақтлар мактабда битта телевизор топилмасди. Айтишларича, раҳбаримизнинг жамоада амалга ошираётган ишларимизни гапириб берганларида ҳар битта ютуғимизга Президентимиз мамнуният билан муносабат билдирганлар. Жумладан, ўтган ўқув

йилида мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг 71 фоизи олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлган. Барчани ташвишлантирадиган масала бу ўқишга кира олмай қолган 29 фоиз болаларнинг тақдирини эди. Эндиликда ўрта маълумот олиб чиқаётган ўғил-қизлар албатта битта касбни эгаллаш имконига эга бўлмоқда. Бунинг учун мактабда ҳозирдан тайёргарлик кўришмоқда, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касбларини ўрганиш учун мактабимизда тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, миллий таомлар ошпази, мебел йиғувчи ва компьютер хизматлари бўйича ўқувчиларнинг касб ўрганишлари учун шароит яратилмоқда. Эндиликда битирувчиларимизда касб эгаллаган ҳолда ҳаётга тайёр бўлиб чиқиш имконияти яратилмоқда. Бу фикрлар ҳам давлатимиз раҳбари томонидан яхши қабул қилинибди.

Мактабдаги муаммоларни ҳал қилишда мактаб раҳбари Л.Усмонова туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар олдига масалани тўғри қўйишга эришмоқда. Туман ҳокими Беҳзод Сууюнов иштирокида ота-оналар йиғилишини ўтказиб, ўқувчиларнинг ота-оналари олдига турган масалаларни муҳокама қилишди. Шу жумладан, “Шўртаннефтегаз” корхонаси раҳбари Шокир Жабборов ташаббуси билан мактабнинг 14 та синф хонаси таъмирланиб, тўлиқ жиҳозлаб берилди.

Л.Усмонова раҳбарликнинг бошидан тажрибали ўқитувчиларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга эътиборни қаратди. Эндиликда информатика фани ўқитувчиси Азамат Мавлоновни юртимиздаги кўплаб ҳамкасблари танийди. Бу ўқитувчининг ёшларга билим беришдаги тажри-



баси туман ўқитувчиларидан ташқарида ҳам ўрганилмоқда. Инглиз тили ўқитувчиси Бекзод Нарзиев халқаро синовлардан муваффақиятли ўтиб, сертификатлар соҳиби бўлди. Аини пайтда у тумандаги илғор ўқитувчилар сафида бормоқда. Илғор ўқитувчилар эса жамоада йилдан йилга кўпаймоқда. Аини пайтда мактабда ўқитувчиларнинг 19 нафари олий тоифали, 42 нафари биринчи ва 33 нафари иккинчи тоифага эга.

Давлат ишлари билан биргаликда оналик вазифасини ҳам ўз вақтида адо этиб келаётган раҳбар яхши оила соҳибаси ҳамдир. Турмуш ўртоғи Бахтиёр Хусанов билан биргаликда ўғли Жамшидбек ва қизи Рушаналарни яхши тарбия қилиб, пойтахтга йўлланма беришди. Улар бугунги кунда Тошкетдаги олий ўқув юртларида таълим олишмоқда.

Тиниб-тинчимас раҳбар Лола Усмонова “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Лола ҚўЛМАТОВА,
Ғузур туманидаги 1-ИДУМ
маънавият ва маърифат
ишлари бўйича
директор ўринбосари.

қилиб қўйлаган бўлса, машҳур Озарбайжон кўшиқчиси Зайнаб Хонларова репертуарида ҳам Ошиқ Эркин шеъри билан айтиладиган кўшиқлар бор эди.

Ўзбекистон халқ артистлари Олмаҳон Ҳайитова, Ортиқ Отахонов, Бобомурод Ҳамдамов, Ғулмонжон Ёқубов, Оғабек Собиров, Ғофуржон ва Ғулмонжон Эшчонов ва бошқа кўплаб санъаткорлар ижросида ҳам унинг шеърлари кўшиқ бўлиб қўйлиниб келинмоқда.

Эркин Мадрахимов моҳир журналист эди. У 1974-1986 йиллар давомида “Қишлоқ ҳақиқати” (ҳозирги “Қишлоқ ҳаёти”) газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳбири бўлиб фаолият олиб борди. Бир-биридан қизиқарли очерк, лавҳалар тайёрлади, янгидан янги қаҳрамонларни кашф этди. Айниқса, унинг қардош қорақалпоқ элига меҳри жуда баланд эди. Эллиққалъа туманининг ташкил этилишида фаоллар билан бир сафда турди. Шу сабабли ҳам уни Эллиққалъа туманининг фахрий фуқаролигига қабул қилишди. Тўрткўлдан Орол денгизигача бўлган майдонни гоҳ отда, гоҳ машинада, гоҳ пиёда босиб ўтиб, элнинг фидойи инсонлари ҳақида туркум мақолалар тайёрлади. “Қорақалпоқ қасидаси” китоби шу меҳнатларининг маҳсули бўлса ажаб эмас. Қорақалпоқликлар ҳам Ошиқ Эркинни ўз туғишга нидек кўришарди.

Эркин Мадрахимов икки элнинг азиз фарзанди эди. Унинг хотираси дилларда мангу яшайди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

УМРИ ҚЎШИҚЛАРИДА ЯШАЙДИ

Раҳматли Эркин оға жуда кўнгли очик, одамшинаванда, ҳазил мутойибани хуш кўрувчи дилкаш инсон эдилар. Тўғрироғи, давранинг гули бўлиб ўтирарди. Шоир сифатидаку беназир ижодкор эдилар. Катта сахналарга чиқиб кўшиқ айтиб бошлаган даврларимданок унинг шеърларига мурожаат қилганман. Шу пайтгача унинг юздан ортиқ шеърларини кўшиқ қилиб қўйилган. Айниқса, шўх, уйноқи оҳанглардаги шеърларига басталанган кўшиқларим ихлосмандлар томонидан илқ қилиб олинган. Раҳматлик устозимиз Отажон Худойшукуров “Ошиқ Эркин шеърлари куйи билан яралди” дегувчи эди. Ҳақиқатан ҳам шоир билан бирга ўтириб қолган даврларимда у шеърларининг куйларини ҳам хиргойи қилиб берган даврларини ҳам кўп кўрганман. Ошиқ Эркин севги куйчиси эди. У юртини ва унинг одамларини жон дилдан севарди. Бир умр ошиқликни тараннум этиб ўтди. Устознинг энди иккинчи умри бошланди. Иккинчи умри китобларига, ёзган шеърлари кўшиқ бўлиб муҳлислар қалбида яшайверади. Унинг шеърлари келажакда ҳам санъаткорлар томонидан кўшиқ бўлиб қўйлиниб, халқимиз дилидан муносиб ўрин олади.

ОШИҚ ЭРКИННИНГ “УКАСИ” БЎЛГАНМАН

1992 йилнинг май ойи бошида курсдош бўлгим, таниқли адиб Набижон Боқий билан Тожикистонга бордим. Мақсад юртимиз озодлиги учун курашиб, шахид кетган Анвар пошо қабрини зиёрат қилмоқ эди. Набижон ўша вақтда бу улуг зот ҳақида китоб ёзмоқ ниятида Душанбе шаҳрининг қоқ биқинидаги лакайлар орасида икки йилки муқим яшаётганди. Бир сабаб бўлиб ўша ерлик бир кишининг ўғлини уйлантириш тўйида бўлган воқеани айтмоқчиман. Маҳаллий хонанда бир вақт Ошиқ Эркин қаламига мансуб иккита кўшиқни қўйлади. Узоқ юртга ҳам Ошиқ Эркин кўшиқлари етиб келганидан кўнглим тоғдек ўсиб, қувончимни Набижон билан ўртоқлашдим. Набижон қувончимга шерик бўлди. Ҳар сафар Хоразмга келганида Эркин акани зиёрат қилиб, сўхбатини олмаддан кетмасди...

Шу орада Набижон чекиш баҳонасида ўрнидан туриб кетди ва бир маҳал бошловчи “давранимизда хоразмлик азиз меҳмон, сиз ҳозиргина кўшиқларини тинглаган таниқли шоир Ошиқ Эркиннинг укаси ҳам иштирок этмоқда”, дея менга сўз бериб қолса бўладими... тўғриси довдираб қолдим сўнг ўзимни қўлга олиб, келин-куёвни табриклайдим. Уларга Ошиқ Эркиннинг саломини етказдим, тутинган укасиман, дедим. Табрик айтаётганимда келин-куёвгина эмас, барча бирдай ўринларидан туришган, узоқ қарсак чалишган, тўй эгаси елкамга тўн ёпганди... Рўзимбой ҲАСАНОВ, журналист.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Т-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Ҳаётий ҳикоя

Кеч куз. Шивалаб ёғаётган ёмғир кишини алланечук хаёллар гирдобига ташлайди. Жасур дарахтдан узилибоқ ерга ёпишиб қолаётган сап-сарик япроқларни бир-бир босиб йўлақдан кетиб бораркан, руҳиятида ҳорғинлик сезди. Совуқ томчилар юзига урилиб, уни баттар сескантиради. “Шамоллабман шекилли”, уйлади ва кўлларини чўнтагига янада чуқурроқ тикди. Аммо зумда яна ташқарига чиқаришга мажбур бўлди. Кўп телефони жиринглади.

— Алло... — деди митти экрандаги ажабтовур рақамни кўриб. Аммо кўнгироқ қаердан бўлаётганини англолмади.
— Алло! Жасур? Жасурмисан? Бу мен, Бахтиёрман! Алло?
— Қайси Бахтиёр?
— Синфдошинг Бахтиёр. Алло! Жасурмисан?
— Э, ҳа, Бахтиёр! Қалайсан? Яхши юрибсанми? Нечук эсингга тушиб қолдим?
— Мен яхшиман. Ўзинг, уйдагилар, болаларинг тинчми? Маҳалла-қўй омонми? Синфдошлар ҳам соғ-саломат юришибдими?



Шаҳло ТОШБЕКОВА

— Яхши, ҳаммалари яхши. Ўзингда нима янгилик бор?
— Ҳа, дароқе, сенга бир илтимос билан кўнгироқ қилаяман.
— Эшитаман?
— Худо хоҳласа, бу йил дадам билан оймни ҳажга жўнатишни ният қилганман.
— Жуда яхши-ку!
— Шу десанг, укамнинг тоби қочиб, касалхонага тушиб қолибди. Пул жўнатишмоқчимдим. Агар малол келмаса, эртага сен менга интернет орқали паспорт маълумотларингни жўнатиб юборсанг. Мен пулни сенинг номингга жўнатардим. Банкдан олиб, дадам ва оймга олиб бориб берсанг. Майлими, оғайни?
— Жомин билан, ошна. Омонатингни албатта етказаман.
— Майли, бўлмаса, эртага гаплашамиз. Хайр. Сўраганларга салом айт!
— Кўришгунча, Бахтиёр.
Телефондан қисқа-қисқа гудоқ эшитилди. Жасур гап билан бўлиб, уйига етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Эртаси куни Жасур Бахтиёр сўраган барча маълумотларни Кореяга жўнатиб юборди. Тушдан кейин Бахтиёр яна кўнгироқ қилди. Жасурнинг номига ўн минг доллар жўнатибди.
Бахтиёр уч йилдан буён Кореяда ишлайди. Давлат томонидан ўтказилган мутахассислар танловида ғолиб чиқиб, нуфузли корхонада ишлаш ҳуқуқини қўлга киритган. Хотинини ҳам олиб кетган. У ҳам олий маълумотли технолог. Эр-хотин ҳалол ишлаб, тўплаган маблағларини савоби иш — ота-оналарини ҳажга жўнатиш учун юборгандилар.

Жасур умрида биринчи бор бунча кўп долларни кўрди. Йўқ, аввал ҳам кўрган, фақат киноларда. Бошлигидан бир соатга руҳсат сўраб, банкга ғизиллаб бориб келди. Хонасига кириб, эшикни ичидан қулфлади. Костюмининг ички чўнтагидан бир пачка яп-янги долларни олиб, стол устига қўйди. Анча вақт томоша қилиб турди.

Қанийди, мениам шунча пулим бўлса, - уйлади у. — Бахтиёр ўзи болагидан бўладиган бола эди. Олимпиадаларда ҳатто республикагача чиқарди. Мана, ота-онаси олдидаги ўғиллик бурчини адо этаяпти, қандоқ бахтли-а!

Эшикнинг тақиллаши хаёлларини тўзғитиб юборди. Шоша-пиша бир тахлам пулни беркитишга киришди.

— Жасурбек, сизни бош ҳисобчи сўраяпти, котиба эшиқдан бошини суқиб, уни коридор аввалидаги хона томон имлади.

— Ҳозир чиқаман.

Жасур бош ҳисобчи ҳузуридан чиққанида, иш вақти туғашига атиги ўн дақиқа қолганди. “Эртароқ кетишим керак. Пулни Бахтиёрнинг дадасига бериб ўтишим керак”. У шуларни ўйлар экан, икки қўли билан кўкрагини пайнасплади. “Пул...”

Унинг юраги шувиллаб кетди. Саволлар миясида чарх уриб айлана бошлади: “Қаерга қўйгандим? Чўнтагимга солганимдими? Солгандим... Унда қани? Стол тортмасига қўйганмидим ё? Бошбухнинг ёнига хонани очик ташлаб...”

У чўк тушганча стол тортмасини титкилай кетди. Ерга кирганими ё омонга учган, бир пачка доллар ҳеч қаерда йўқ эди! — Энди нима қиламан??? — Жасурнинг ичидан шу сўзлар билан бирга олов отилиб чиққандай бўлди. — Уйим куйди!!!

Жасур шомгача хонасида қолиб кетди. Ҳамкасбларининг: “Кетасизми ёки шу ерда тунаб қолмоқчимисиз?” — деган саволларига истар-истамас жавоб берди: “Кетаверинглар... Мени озроқ... ишим бор”.

Бир тахлам қоғоз шунчалар қудратга эга эканки, барваста йигитни бир лаҳзада мунгайтириб қўйди. Телба бўлиб қолишга бир баҳя қоляпти унинг. Тинимсиз “Энди нима қиламан?” деган саволни ўз-ўзига беради. Аммо... жавоб тополмайди.

Жасур уйига қандай етиб келганини билмасди. Томоғига нимадир тикилиб қолган, хотини олдида қўйган бир коса овқатни қошиқ билан бир-икки айлантаришдан нарига ўтмади.

— Нима, мазангиз йўқми?

— Йўқ, ҳаммаси... яхши... Мен чарчадим, ётиб дам олмақчиман.

Жасурнинг икки соат бурунги ҳаловатидан асар қолмаган. У юмшоқ ўринда ётардию, баданига тиконлар санчилаётганини юрак-юракдан хис қиларди.

Хаёли минг бир кўчага кириб-чиқар, ўзига ўзи савол бериб, ўзи жавоб қайтарарди.

— Э, Худо! Ўзинг ёрдам бер!!!

(Давоми келгуси сонда)

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топшириш вақти: 21.10